Inson manfaatlari — oliy qadriyat

ADOLAT

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

https:// adolat24.uz/
t.me/Gazeta_Adolat

№ 50 (1515) 2024-YIL 6-DEKABR, JUMA



Конституцияви й ислоҳотлар

халқ фаровонлигини таъминлашнинг кафолатидир





РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Ҳар қайси мамлакат тараққиётида ёшларнинг алоҳида ўрни бор. Шу боис юртимизда ҳам мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, мамлакат ҳаётида фаол иштирок этишини рағбатлантиришга қаратилган бир қатор ташаббуслар, ҳаётбахш ишлар амалга оширилди. Мана шундай эзгу мақсад йўлида, айниқса, Конституциянинг асосий принципларини ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш орқали мустақил давлатимиз келажагини барпо этишга қаратилган саъй-ҳаракатлар давом этмоқда. Буларнинг барчаси ёшларда ҳуқуқий ва ижтимоий тафаккурни юксалтиришга, уларнинг адолат, қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқларига бўлган ҳурматини оширишга хизмат қиляпти. Сўзимизни “Адолат” социал-демократик партияси томонидан ҳар йили ўтказиб келинадиган "Конституция билимдони" кўрик-танлови ҳам исботлайди.

Ҳуқуқий беллашувнинг жорий республика босқичи 5 декабрь куни Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бўлиб ўтди. Давлат мадҳияси садолари остида бошланган танловда "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раҳбарияти, хусусан, партия етакчиси Робахон Махмудова, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП депутатлари, “Ёш адолатчилар” қаноти ҳамда “Ёшлар парламенти” аъзолари, олийгоҳ талаба-ёшлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва танловнинг ҳудудий босқичларида ғолибликни қўлга киритган ёш ҳуқуқшунослар иштирок этишди.

Қайд этиш жоизки, танловнинг мақсади – ёш авлодни Конституция ва қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқий онгини юксалтириш, адолат ва қонун устуворлигини қадрлаш ҳиссини мустаҳкамлашдан иборат.

Танловни кириш сўзи билан очган "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси Робахон Махмудова мамлакатимиз Конституциясининг тарихи ва аҳамиятига алоҳида урғу берди. Шу билан бир қаторда партия томонидан бугунги “Конституция билимдони” республика кўрик-танлови, унинг қонунчилик соҳаларига қизиқадиган ёшлар ҳаётидаги аҳамияти хусусида сўз юритди.

– *Ҳаммамизга маълумки, ўтган 30 йилдан ортиқ давр мобайнида мамлакатимиз Конституцияси шундай улкан вазифани бажарди. Конституциядан келиб чиққан барча қонунлар, давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ва ислоҳотлар инсон қадрини улуғлашга, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилди. Юртимиздаги бугунги тараққиётнинг, ҳар бир соҳадаги юксалишнинг бош омили – Конституциямизда ўрин олган ҳуқуқий нормалар, десам ўринли бўлади,* – деди Сиёсий Кенгаш раиси.

4





Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган конституциявий ислоҳотлар қисқа фурсатларда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳаларда ўз самарасини бермоқда. Сабаби, мазкур ислоҳотларнинг мақсади “инсон – жамият – давлат” ўртасидаги халқ ҳокимиятчилиги муносабатларига асосланган. Зеро, халқнинг ўзи бевосита мазкур конституциявий ислоҳотларнинг бош ташаббускори бўлди.

Айнан шу мавзуда “Adolat” газетаси мухбирининг Адлия вазири Акбар Жўрабоевич ТОШҚУЛОВ билан уюштирган суҳбати кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этилмоқда.

– Конституцияга киритилган сўнгги ўзгартишларнинг асосий мақсадлари ва ушбу ўзгартишларнинг халқ фаровонлигига таъсири ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

– Конституциямизнинг муқаддимасида унинг фалсафаси, юридик табиати, мафкураси ва асосий мақсади мустаҳкамланган. Асосий қонуннинг муқаддимаси билан танишган шахс халқимизнинг хоҳиш иродаси, мақсад-муддаоси ва орзу-умидлари ҳамда қадриятларини англаб етади.

Конституциямизнинг дастлабки моддасини мен унинг ядроси, асосий мақсади, деб ҳисоблайман. Чунки унда *“Ўзбекистон – бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат...”* эканлиги мустаҳкамланган. Мазкур конституциявий норма мазмун-моҳиятига кўра янги саналади.

Мантиқан олиб қараганда, мамлакатнинг суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат даражасига эришуви сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан стратегик аҳамият касб этади. Шу боис мазкур конституциявий нормаларнинг аҳамияти бевосита “инсон қадри”нинг том маънода юксалиши билан боғлиқ саналади.

Шу ўринда биргина ҳуқуқий давлат масаласи юзасидан амалга оширилаётган конституциявий ислоҳотларга тўхталмоқчиман. Унда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсади, деб кўрсатилган. Хусусан, инсон ҳуқуқларига оид нормалар 3 бараварга ошди. Давлат органлари ҳамда мансабдор шахсларнинг фақат ва фақат фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб фаолият кўрсатишига асос бўлди.

3

БОР МЕҲРИМИЗ СЕНГА, БОЛАЖОН!

Саховат ва меҳр-мурувват акцияси

“Адолат” социал-демократик партияси ташаббуси асосида ҳар йили 3 декабрь – Халқаро ногиронлар куни муносабати билан Республика қон қуйиш маркази ва унинг ҳудудий филиалларида “Бор меҳримиз сенга, болажон!” шиори остида бегараз донорлик акцияси ўтказилиб келинмоқда. Қонга муҳтож бўлган бемор болаларнинг ҳаётини сақлаб қолишда донорликнинг роли катта эканлигини англаган кўнгиллилар ҳар йили ушбу акцияда фаол иштирок этиши анъанага айланган.

6

9 декабрь – Халқаро коррупцияга қарши кураш куни

Тараққиётга хавф солувчи иллат



2

Диққат!
Обуна – 2025

“Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши нашри “ADOLAT” ижтимоий-сиёсий газетасига 2025 ЙИЛ УЧУН ОБУНА давом этмоқда

Парламентда

Қонун лойиҳалари қўллаб-қувватланди

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси аъзолари **“2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”**ги қонун лойиҳаси муҳокамасида, асосан ижтимоий соҳага йўналтирилаётган маблағлар ҳамда бошқа аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган мақсад ва вазифаларга эътибор қаратди.



Депутатлар томонидан берилган аксарият таклифлар лойиҳани иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида эътиборга олингани алоҳида қайд этилди.

Қонун лойиҳасида назарда тутилаётган айрим янгиликлар бўйича фикр-мулоҳазалар, таклиф ва тавсиялар билдирилди. Қизғин муҳокамалардан сўнг, қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

*“Судларнинг фаолиятига оид конституциявий кафолатлар кучайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”*ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокамалар марказида бўлди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги қонунга Судьялар олий кенгаши таркиби, шу жумладан, Кенгаш раиси, раис ўринбосари, унинг аъзолари ва котиби Президент тақдимига биноан Олий Мажлис Сенати томонидан сайланиши, шунингдек, айни бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ Судьялар олий кенгашининг раиси, раис ўринбосари этиб сайланиши мумкин эмаслиги мустаҳкамланмоқда.

“Судлар тўғрисида”ги қонунга одил судлов фақат судлар томонидан амалга оширилиши белгиланяпти. Шунингдек, шахсларнинг нафақат давлат органлари, балки бошқа ташкилотларнинг ҳам қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи мустаҳкамланмоқда.

Фракция аъзолари қонун лойиҳасини кўриб чиқиш чоғида партия Сайловолди дастуридан келиб чиқиб, лойиҳани янада такомиллаштириш, пишиқ-пухта ҳолатга келтириш бўйича ўз таклифларини берди. Ундаги айрим нормалар бўйича кўтарилган саволларга эса ташаббускорлар томонидан атрофлича жавоблар қайтарилди.

Савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳалари депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.



Давра суҳбати

Ёшларнинг ҳуқуқий маданияти кафолати

“Адолат” СДП ва Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳамкорлигида “Конституция – эркин ва фаровон ҳаёт гарови” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Унда “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси Робахон Махмудова, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракцияси аъзолари, олийгоҳ вакиллари, “Адолат” СДП Марказий аппарати ходимлари, профессор-ўқитувчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Тадбирнинг бош мақсади – фуқаролик жамиятининг ривожланишида Конституциянинг ўрни ва аҳамиятини яна бир бор чуқур ёритиш, ёшларни конституциявий билимлар билан бойитиш ҳамда уларни мамлакатимизнинг барқарор ва фаровон келажагини таъминлаш йўлидаги ўзига хос масъулиятларини англашга чорлашдан иборат бўлди.

Тадбирда сўз олган партия етакчиси Конституциянинг мамлакатимиз демократик тамойилларини мустаҳкамлашдаги ўрни, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлашда тутган роли, шунингдек, жамиятимиздаги барча қатламларнинг манфаатларини ҳимоя қилишдаги аҳамияти ҳақида сўз юритди.

Шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракцияси аъзолари Наримон Умаров, Нодира Жанибекова, Дилмурод Исмоилов ўз чиқишларида Конституция нафақат қонунларнинг асосий манбаи, балки ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли кафолати эканлигини таъкидлашди. Шу билан бирга, ёшларга партиянинг ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, адолатни қарор топтириш ҳамда ижтимоий тенгликни таъминлаш борасидаги фаолиятлари ҳақида маълумот беришди.

Тадбир давомида иштирокчилар конституциявий билимларни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий тафаккурни ривожлантириш ҳамда давлатимизнинг сиёсий-ҳуқуқий тараққиёти йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар юзасидан фикр алмашдилар. Айниқса, талаба ёшларда ҳуқуқий саводхонликни ошириш ва Конституциямиз қоидаларини кундалик ҳаётда қўллашнинг аҳамияти бўйича қизиқарли мунозаралар бўлиб ўтди.

Мазкур давра суҳбати нафақат муҳим мавзуларни муҳокама қилиш, балки ёш авлодни эркин фикрлашга, ҳуқуқий масъулиятни ҳис қилишга ҳамда Ватанига муносиб хизмат қилишга илҳомлантирувчи платформа сифатида хизмат қилди. Бу каби тадбирлар мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг янада мустаҳкамланишига, ёшларнинг фаоллиги ва ҳуқуқий саводхонлигини оширишга ҳисса қўшиши шубҳасиз.

"Адолат" СДП ва Тошкент давлат иқтисодиёт университети ўртасидаги бундай ҳамкорлик натижасида ёшларнинг адолат ва тенглик тамойилларига асосланган жамиятни қуришга бўлган интилиши янада кучайиб бораётгани яна бир бор ўз тасдиғини топди.

Давра суҳбати якунида партия етакчиси томонидан университет ахборот-ресурс марказига янги таҳрирдаги Конституциянинг партия томонидан яратилган аудиокитоби топширилди.

Эркин ва фаровон ҳаёт гарови



Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ўттиз икки йиллигини муносиб кутиб олиш ва юксак савияда нишонлаш, Бош қомусимизда белгиланган халқ ҳокимиятчилиги, инсон қадри, эркинлик ва тенглик, ижтимоий адолат ва бирдамлик каби эзгу ғоялар атрофида фуқароларни жипслаштириш, “Конституция — эркин ва фаровон ҳаёт гарови!” деган бош ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий ҳамда маънавий-маърифий тадбирларни самарали ташкил этиш мақсадида Самарқанд шаҳар 1-ФҲДЁ бўлими жамоаси томонидан муайян ишлар олиб борилмоқда.

Инобат БОБОҚУЛОВА,
Самарқанд шаҳар 1-ФҲДЁ бўлими мудираси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати

Аҳолининг кенг қатламлари ўртасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни байрамига бағишланган маънавий-маърифий анжуманлар, очиқ мулоқот ва суҳбатлар, бадиий кечалар, фестивалларга, сайиллар, маданият ва спорт тадбирларини самарали ўтказиш мақсадида атоқли илм-фан намоёндалари, маданият ва санъат арбоблари, кекса ва ёш авлод вакиллари, таниқли спортчиларни жалб этган ҳолда байрам тадбирлари амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни байрамини бугунги давр руҳига ҳамоҳанг тарзда нишонлаш мақсадида қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда:

– Янгиланган Конституциямиз мазмун-моҳияти ва “Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг асосий устувор йўналишлари доирасида белгиланган туб ислоҳотлар ҳақида маҳаллалар, таълим ва меҳнат жамоаларида маърифий учрашув ва суҳбатлар ўтказиш;

– сўнгги йилларда иқтисодий, ижтимоий, маданий-маънавий ҳаётнинг турли соҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ва бу борада эришилаётган натижаларни мустаҳкамлашда янги таҳрирдаги Конституциянинг ўрни ва ролини ёритиш;

– “Конституция – эркин ва фаровон ҳаёт гарови!” деган ҳаётий шиорнинг моҳияти ва аҳамиятини, янги таҳрирдаги Конституция асосида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасида мутлақо янги босқичга ўтилганлигини очиб бериш;

– мулкий ҳуқуқларнинг ишончли ҳимоясини таъминлаш, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш, нуронийлар, хотин-қизлар ва ёшларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, оила, оналик, болалик ва оталикни ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотларнинг аҳамиятини кенг тарғиб қилиш.

Мамлакатимизда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда Конституция ва у асосида яратилган қонунларимизнинг устуворлиги жамият тараққиёти ва равнақини белгилаб берувчи энг муҳим омил ҳисобланади.

Бир сўз билан айтганда, Конституциямиз бахтимиз қомуси, эртанги порлоқ ва нурафшон ҳаётга етказувчи нурли йўлимиздир.

9 декабрь – Халқаро коррупцияга қарши кураш куни

Тараққиётга хавф солувчи иллат

Коррупция ҳар қандай давлат ва жамиятнинг сиёсий-иқтисодий ривожланишига жиддий путур етказади, давлатнинг конституциявий асосларини ва қонун устуворлигини заифлаштиради ва халқнинг давлат сиёсатига ишончини кескин сусайтиради. Давлат ва жамиятда соғлом муҳитнинг қарор топиши, барқарорлиги, тинчлиги ва тараққиёти учун хавф солади.

Коррупцияга қарши кураш ҳамиша давом этиши керак, бу иллатнинг жамиятга, тараққиётга ва хавфсизликка катта таҳдид эканини ҳар бир онгли инсон чуқур англаши лозим. Унга барҳам беришга фақат давлат ва ҳукуматнинг кучи билангина эришиб бўлмайди. Шунинг учун бу иллатга қарши бутун жамият, барча бирдек курашмоғи зарур. Ҳар қандай жамият учун ушбу жиноятга қарши курашиш энг долзарб масалалардан биридир.

Шу боис мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш, жамиятда ушбу иллатга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

9 декабрь – Халқаро коррупцияга қарши кураш куни муносабати билан “Адолат” СДП ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси қошидаги “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини баҳолаш маркази” давлат муассасаси ҳамда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳамкорлигида семинар-тренинг ташкил этилди.

Тадбирда партия Сиёсий Кенгаши раиси Робахон Махмудова, “Адолат” СДП Марказий аппарати масъуллари, марказ ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Унда коррупцияга қарши курашда самарали механизмларни шакллантириш, хусусан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифати ва назоратини таъминлаш орқали шаффофликни ошириш масалалари муҳокама қилинди. Семинар-тренинг доирасида коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари, халқаро тажриба ва миллий сиёсатдаги илғор ютуқлар бўйича маълумотлар тақдим этилди.

Тадбирда сўзга чиққан партия етакчиси сўнгги йилларда мамлакатимизда коррупцияга қарши кураш борасида муҳим ислоҳотлар амалга оширилаётгани, хусусан, қонун устуворлигини ва давлат бошқаруви тизимида шаффофликни таъминлашга қаратилган бир қатор қонунлар қабул қилингани ҳамда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилиб, бу ташкилот соҳада ягона давлат сиёсатини юритувчи органга айланганини эътироф этди. Шунингдек, давлат харидларида очиқликни таъминлашда электрон тендер тизими коррупция хавфини камайтиришга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Семинар давомида “Адолат” СДП вакиллари ушбу муҳим масалада фаол ташаббус кўрсатиб келаётгани ҳамда коррупцияни жамият ривожига тўсиқ бўлувчи энг асосий иллат деб билиши ва уни бартараф этишда фақат давлат органлари эмас, балки жамиятнинг ҳар бир аъзосининг иштироки муҳим эканини таъкидлади.

Партия вакиллари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигини назорат қилишда коррупциянинг олдини олишнинг долзарблиги ҳақида сўз юритиб, бу борада аниқ таклифларни илгари суришди.

Семинарда халқаро тажрибага асосланган амалий дарслар ва муҳокамалар ўтказилиб, иштирокчиларга коррупцияга қарши кураш воситаларидан самарали фойдаланиш бўйича махсус тренинглар ҳам ташкил этилди. Тадбир давомида инновацион ёндашувлар ва илғор технологиялар асосида иш юритиш орқали коррупция хавфини камайтириш йўллари ҳақида батафсил маълумот берилди.

Мазкур тадбир нафақат коррупцияга қарши кураш масалаларини муҳокама қилиш майдони, балки бу борада давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасида ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш учун қулай платформа ҳам бўлди. Тадбир якунида коррупцияга қарши курашда фаол иштирок этган мутахассислар ва тадбир ташкилотчиларига миннатдорлик билдирилиб, ушбу йўналишда ҳамкорликни давом эттириш бўйича келишувга эришилди.

Семинар якунида “Адолат” партияси билан кўп йиллардан буён ҳамкорликда ишлаб келаётган “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини баҳолаш маркази” давлат муассасасининг бир гуруҳ вакиллари “Адолат” кўкрак нишони билан тақдирланди ва партия сафига қўшилишга хайрихоҳлик билдирган ходимларга аъзолик гувоҳномалари партия етакчиси томонидан топширилди.







“Адолат” СДП Матбуот хизмати

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАР

халқ фаровонлигини таъминлашнинг кафолатидир

1

Бинобарин, қонунлардаги ноаниқликлар инсон фойдасига ҳал бўлиши шарт ва зарурлиги белгиланди. Бунга кўра, давлат ва инсон ўртасида муносабатларни тартибга солувчи қонунчиликдаги ноаниқликлар, турли тушунмовчиликлар бартараф этилади, фуқароларнинг ортиқча оворагарчиликлари олди олинди *(20-модданинг бешинчи қисми)*.

Конституцияда давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланадиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги мустаҳкамланди. Қонунчиликда белгиланмаган мажбурият ҳеч кимнинг зиммасига ўз розилигисиз юклатилиши мумкин эмаслиги қайд этилдики, ушбу норма одамлар ҳаётини янада енгиллаштирди *(20-модданинг тўртинчи қисми)*.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари сезиларли даражада кучайтирилди.

Хусусан, Ўзбекистонда ўлим жазоси тақиқланди. Ўлим жазосини тақиқлаш конституциявий даражада белгиланиши инсонни ҳаётдан ҳатто давлат ҳам маҳрум этишга ҳақли эмаслигини кафолатлади *(25-модданинг иккинчи қисми)*.

Бундан ташқари, шахсни суднинг қарорисиз 48 соатдан ортиқ муддат ушлаб туриш мумкин эмаслиги белгиланди. Яъни, шахснинг эркинлигини чеклаш билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракат фақатгина суд қарори асосида амалга оширилиши шарт. *(27-модданинг учинчи қисми)*.

Илк бор шахсни ушлаш чоғида унга тушунарли тилда унинг ҳуқуқлари ва ушлаб турилиши асослари тушунтирилиши кераклиги айбланувчи ва судланувчиларга ўзига қарши кўрсатма бермаслик (халқаро эътироф этилган “Миранда қоидаси”), сукут сақлаш ҳуқуқи берилди *(27-модданинг тўртинчи қисми)*.

Ҳар кимнинг ёзишмалари, телефон орқали сўзлашувлари, почта, электрон хабарлари ҳамда бошқа хабарлари сир сақланиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланди. Бундай ҳуқуқларнинг чекланишига ёки уй-жойда тинтув ўтказишга фақат қонунга мувофиқ ва суднинг қарорига асосан йўл қўйилиши белгилаб қўйилди *(31-модданинг иккинчи қисми)*.

Шахснинг судланганлиги ва бундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлиши мумкин эмаслиги мустаҳкамланди, табиийки, буларнинг ҳаммаси мустабид тузумдан қолган иллатга, қанча ёшларимизни ўз орзу-умидларидан воз кечишга мажбур қилган ноинсоний тақиқларга чек қўйди *(28-модданинг еттинчи қисми)*.

Конституцияда ҳар ким ўз шахсига доир маълумотларни ҳимоя қилиш, нотўғри маълумотларнинг тузатилишини, ўзи тўғрисида қонунга хилоф йўл билан тўпланган ёки ҳуқуқий асосларга эга бўлмаган маълумотларнинг йўқ қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга эканлиги мустаҳкамланди *(31-модданинг учинчи қисми)*.

Ҳар бир шахснинг республика ҳудудида эркин ҳаракатланиш, турар ва яшаш жойини эркин танлаш ҳуқуқи, республикадан ташқарига чиқиш ҳуқуқи ҳамда Ўзбекистон фуқароларининг Ўзбекистонга монеликсиз қайтиш ҳуқуқи белгиланди. Эндиликда мазкур конституциявий қоида киритилиши билан эркин ҳаракатланиш қадрият даражасида олий ҳуқуқий норма сифатида мустаҳкамландики, бу “прописка” тизими муаммосига ҳам барҳам берди *(32-модданинг биринчи қисми)*.

Давлатнинг фуқароларга Интернет тармоғидан фойдаланишни таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиши кафолатланди *(33-модданинг учинчи қисми)*.

Суҳбатимиз доирасида регламентга риоя қилиш нуқтаи назаридан мен суверен, демократик, ижтимоий ва дунёвий давлат борасидаги конституциявий ислоҳотлар масаласига тўхталмадим. Ва бу борада шу фикрларим билан чекланаман.

– Конституциявий ислоҳотлар жараёнида аҳоли фикри қандай ўрганилди ва ҳисобга олинди?

– Бир нарсани алоҳида айтиш керак, янги таҳрирдаги Конституциянинг мазкур матни олиму мутахассислар томонидан фақат кабинетларда яратилмади. Балки дастлаб икки босқичда халқимизнинг фикри, таклифлари ўрганилди, шундан кейин Конституция лойиҳаси тайёрланди. Аввалари эса Конституция қабул қилишда дастлаб лойиҳа ишлаб чиқилиб, кейин халқ муҳокамасига қўйилар эди.

Дастлабки босқичда Конституция лойиҳасини шакллантириш учун фуқароларимиз 60 мингдан зиёд таклиф беришди. Уларнинг тахминан ҳар тўрттасидан биттаси лойиҳадан жой олган эди.

Кейинги босқичда Конституция лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилди. Оммавий ахборот воситалари, Интернет тармоқлари орқали лойиҳа билан 5 миллион аҳоли танишиб, 150 мингдан ортиқ таклиф ва мулоҳазалар билдиришганди.

Давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувдаги нутқида: *“Бош мақсадимиз – ҳар бир юртдошимиз ушбу ҳужжатни менинг Конституциям деб фахрланадиган мукаммал даражага олиб чиқишдир”,* деб таъкидлаган эди.

Шунингдек, меҳнат жамоалари, олийгоҳлар, маҳалла фаоллари ва зиёлилар билан бўлиб ўтган муҳокамаларда ҳам яна қарийб 10 мингта қўшимча таклиф келиб тушган эди. Ва ниҳоят, халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ва 190 дан ортиқ давлатлар тажрибаси ўрганилиб, лойиҳа 6 турдаги экспертизадан ўтказилди.

Буларнинг ҳаммаси янгиланган Конституцияда жамиятнинг барча қатламлари манфаатлари инобатга олингани, Янги Ўзбекистонни қуриш ғояси атрофида бутун жамият жипслашгани, Бош қомусимиз том маънода халқ Конституцияси бўлаётганидан далолат беради.

Энг муҳими, тарихимизда илк бор 2023 йилнинг 30 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонунни халқимизнинг ўзи қабул қилди.

– Янги демократик ислоҳотларни амалга оширишда Конституция қандай роль ўйнайди? Янги ўзгартишлар ёки ислоҳотлар ҳақида тўхталсангиз.

– Фикримизча, янги демократик ислоҳотлар давлат бошқарув соҳасидан бошлаб амалга оширилиши тўғри бўлганини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Инсон фаровон яшаши, давлат барқарор ривожланиши учун самарали, ихчам ва халқчил демократик давлат бошқаруви жорий қилинди, парламентаризмни кучайтириш сари дадил қадам қўйилди.

Янгиланган Конституция халқпарвар давлат қуриш мақсадида кучли парламент, ихчам ва масъулиятли ҳукумат, мустақил ва адолатли суд, эркин сайлов тизимини барпо этишга қаратилган.

Парламент палаталарининг ваколатлари қайта кўриб чиқилди. Унга кўра, Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг ваколатлари сезиларли даражада кенгайди, икки палата фаолиятидаги такрорланишлар бартараф этилиб, ҳар бирининг масъулият соҳаси аниқ белгиланди.

Хусусан, Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари амалдаги 5 тадан 12 тага, Сенатда эса 14 тадан 18 тага кўпайгани бевосита халқ фаровонлигига хизмат қилмоқда.

Сенат олдига қўйилаётган янги вазифалардан келиб чиқиб, уни ихчам, халқчил ва ҳудудлар манфаатини ифода этадиган идорага айлантириш бўйича нормалар Конституцияда кўзда тутилди. Хусусан, сенаторлар сонини ҳозирги 100 нафардан 65 нафарга туширш, бунда ҳар бир ҳудуддан тенг равишда 4 тадан сенатор сайланиши, Президент томонидан тайинланадиган сенаторлар сони эса 16 тадан 9 тага камайтирилиши белгиланган демократик ислоҳотлар натижаси ҳисобланади.

Парламентнинг суд ва назорат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва махсус хизматлар фаолияти устидан назорат функциялари кучайтирилди.

Янги Конституцияда Бош прокурор, Ҳисоб палатаси раҳбарлигига номзодлар аввал Сенатда кўриб чиқилиб, кейин Президент томонидан тайинланиши, шунингдек, Монополия қўмитаси ва Коррупцияга қарши курашиш агентлиги раҳбарлари Сенат томонидан сайланиши амалиётини жорий этиш таклиф этилди.

Махсус хизматлар фаолияти устидан парламент назоратини кучайтириш мақсадида Давлат хавфсизлик хизмати раҳбарлигига номзод Сенат билан маслаҳатлашувлардан сўнг Президент томонидан лавозимга тайинланиши белгиланди.

Олий Мажлис палаталарининг биргаликдаги ваколатлари ҳам кучайтирилиб, парламент назоратининг муҳим шакли бўлган парламент текшируви институти Конституцияда алоҳида мустаҳкамлаб қўйилди.

Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш мақсадида Судьялар олий кенгашининг барча аъзоларини Сенат томонидан сайлаш тизими киритилди.

Айрим олий мансабдор шахсларнинг лавозимга сайланиш ёки тайинланиш муддатлари бўйича чекловлар белгиланади.

Сенат Раиси ва Қонунчилик палатаси Спикери, Олий суд ва Судьялар олий кенгаши раислари, уларнинг ўринбосарлари, Бош прокурор, Марказий сайлов комиссияси раиси, ҳокимларни лавозимга икки муддатдан ортиқ сайлаш ёки тайинлашга чеклов киритилгани ҳам мамлакатимизда демократик ислоҳотларнинг интенсив ривожланаётганидан дарак беради.

Ҳокимларнинг халқ депутатлари Кенгашларига раҳбарлик қилиш институти босқичма-босқич бекор қилинмоқда.

Маҳаллий ижро этувчи ва вакиллик ҳокимиятининг бўлиниши мамлакатда бутун давлат бошқаруви тизимини чуқур ислоҳ қилиш учун асос бўлмоқда. Шу асосда, маҳаллий Кенгаш раиси билан ҳоким лавозимини бир-биридан ажратиш амалга оширилиш жараёни бошланди.

Барча масалалар ечими чинакам халқ овози бўлган маҳалла даражасига туширилмоқда.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмаслиги мустаҳкамланди. Конституциямизда мазкур кафолатнинг белгиланиши маҳалларга ўз ҳудудини мустақил бошқариш, аҳоли манфаатларидан келиб чиқиб давлат билан шериклик асосида муаммоларни ҳал этиб бориш, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, самарали жамоатчилик назоратини амалга ошириш, аҳоли фаровонлигини таъминлашга муҳим имкониятларни тақдим этмоқда.

Мазкур демократик конституциявий ислоҳотлар Янги Ўзбекистонда “Инсон қадри учун” деган устувор ғоя реал ҳаётда амалга ошаётганини яна бир бор кўрсатмоқда.

– Конституция аҳоли ҳаётида қанчалик самарали ишлаяпти?

– Давлат оиланинг тўлақонли ривожланиши учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа шарт-шароитлар яратиши конституциявий мустаҳкамланди. Ушбу норманинг киритилиши жамиятимизда оила мустаҳкамлиги ва мўътабарлигини барқарор таъминлашга хизмат қилишига замин яратди *(76-модданинг учинчи қисми)*.

Энди фарзандлар тарбияси, уларга таълим бериш, баркамол вояга етказиш ҳам ота-она мажбурияти сифатида белгиланди. Боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, унинг жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун энг яхши шарт-шароитларни яратиш эса давлатнинг бурчи сифатида белгиланди *(77-модда)*.

Конституцияда ҳар кимнинг меҳнати учун ҳеч қандай камситишларсиз ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш ҳуқуқи кафолатланди. Мазкур норманинг Конституцияда белгиланиши фуқароларнинг иш ҳақлари миқдори шунчаки эмас, айнан уларнинг муносиб турмуш кечиришини таъминлашда, пировард натижада аҳоли турмуш даражасини яхшилашда ва мамлакатимизда ижтимоий адолатни устувор қадриятга айлантиришда муҳим аҳамиятга эга *(42-модданинг биринчи қисми)*.

Ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги билан боғлиқ сабабларга кўра аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш, ишдан бўшатиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш тақиқланиши мустаҳкамландики, мазкур янги норма республикамизда гендер тенглиги принциплари тўлақонли амал қилишига олиб келишига асос бўлди *(42-модданинг учинчи қисми)*.

Бундан ташқари, давлат фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, уларни ишсизликдан ҳимоя қилиш, шунингдек, камбағалликни қисқартириш чораларини кўриши ҳам мустаҳкамланди *(43-модданинг биринчи қисми)*.

Қолаверса, давлат фуқароларнинг касбий тайёргарлигини ва қайта тайёрланишини ташкил этиши ҳамда рағбатлантиришни мустаҳкамлади *(43-модданинг иккинчи қисми)*. Бу янги норма иш билан таъминланмаган фуқароларнинг камбағаллик ҳолатига тушиб қолишининг олдини олишга ёки камбағаллик тоифасига кириб қолган фуқароларни ундан чиқариш бўйича давлат томонидан тегишли чоралар кўрилишига конституциявий кафолат сифатида хизмат қилмоқда.

Конституцияда боланинг соғлиғига, хавфсизлиги, жисмоний, ақлий ва маънавий жиҳатдан тўлақонли ривожланишига хавф солувчи, унинг таълим олишига тўсқинлик қилувчи болалар меҳнатининг ҳар қандай шакллари тақиқланиши мустаҳкамланди *(44-модданинг иккинчи қисми)*. Шу боис, бугун Ўзбекистонда узоқ йиллар юртимизнинг халқаро имиджига салбий таъсир қилиб келган мажбурий меҳнатга тўлиқ барҳам берилди.

Ҳар ким ишсизликда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эгалиги мустаҳкамланди. Пенсия, нафақа ва бошқа ижтимоий ёрдамлар миқдори энг кам истеъмол харажатларидан оз бўлиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилди *(46-модданинг иккинчи қисми)*.

– Давлат идоралари Конституция талабларига қандай мослашяпти? Конституцияни амалга ошириш доирасида вазирлик томонидан бажарилган ишлар қай тарзда кечмоқда?

– Миллий ҳуқуқ тизимимизда Конституциянинг ҳар бир нормасини давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятида асосий қоидага айлантириш ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб қолмоқда.

Бу борада барча вазирлик ва идораларда Конституциянинг мазмун-моҳиятини кенг тушунтириш, давлат фуқаролик хизматчиларининг Конституция борасидаги билимларини мунтазам ошириб бориш, ўз фаолиятида конституциявий нормаларнинг ижросини сўзсиз таъминлаган ходимларни рағбатлантириш тизимларини яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Шу нуқтаи назардан Адлия вазирлиги ўз олдига давлат бошқарувининг юқори бўғинидан бошлаб, қуйи бўғинигача ўз ваколати доирасида амалий ёрдам кўрсатиб келаётгани ҳеч кимга сир эмас. Шу боис бу борада вазирлик ўз фаолиятини тизимли равишда давом эттиради.

Президентимиз раҳбарлигида давлат ташкилотлари ўзининг энг асосий вазифаси сифатида халқнинг оғирини енгил қилишга киришган, яъни, аҳоли билан мулоқот қилиб, уларнинг муаммоларини аниқлаш ва ҳал этиш устувор вазифага айланди. Мана шу жабҳада вазирлигимизга ҳам муҳим вазифалар юклатилган. Жумладан, *“Маъмурий ислоҳотлар доирасида адлия органлари ва муассасаларининг масъулиятини ошириш ҳамда ихчам бошқарув тизимини шакллантириш тўғрисида”*ги фармон билан Адлия вазирлиги янгича ишлаш тизимига ўтди. Бунда аҳолининг ҳуқуқий муаммоларини жойларда, маҳаллаларда ҳал этиш асосий вазифа сифатида белгиланди.

Фармон қабул қилинишидан олдин Президентимиз топшириғи бўйича жойларда муаммоларни аниқлардик. Уларни ўрганиш жараёнида ҳудудларда ушбу фармоннинг аҳамияти ва муҳимлигига амин бўлдик. Жуда кўп аҳоли ўзининг шахсий, уй-жой ҳужжатлари ёки мерос масалалари билан боғлиқ ҳуқуқий муаммоларга дуч келарди. Эндиликда бу муаммоларни халқнинг ичига кириб ҳал қилишга ўтганмиз.

Шу билан бирга фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган нормалар ва стандартларнинг ишлашини мониторинг қилиш ҳамда аҳолининг ҳуқуқий муаммоларини аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида “Ҳуқуқий маслаҳат” лойиҳаси йўлга қўйилди. Аввало, Жиззах вилоятининг Зарбдор тумани “Тараққиёт” маҳалласида намунавий йўлга қўйилган ушбу лойиҳада ҳудуддаги жами 728 та хонадонлар қамраб олиниб, биринчи босқичда муаммолар ўрганилган бўлса, кейинги жараёнларда уларни ҳал этиш, бирламчи ҳуқуқий кўмак кўрсатиш, методик ёрдам бериш, манзилли ва предметли тарғибот тадбирларини ўтказиш борасида уюшқоқлик билан амалий ишлар олиб борилди.

Олиб борилган саъй-ҳаракатлар давомида жами 2 687 та ҳуқуқий муаммолар аниқланиб, шундан 2 053 таси ижобий ҳал этилишига эришилди. Хусусан, 642 та хонадоннинг кадастр ҳужжатларида камчиликлари борлиги аниқланиб, тегишли ташкилотлар кўмагида ҳал этиш чоралари кўрилмоқда. Ишчи гуруҳ кўмаги билан 20 нафар фуқароларнинг ногиронлиги белгиланди, 7 нафар аёлларнинг алимент пуллари ундириб берилди, 15 нафар фуқароларнинг пенсия ва нафақалари борасидаги камчиликлари бартараф этилди, 5 нафар фуқаро манфаатида юридик фактни белгилаш бўйича судларга даъво аризалари киритилди. Шу билан бирга аҳолига мерос иши, уларни дафтарларга киритиш, коммунал, тадбиркорлик, турли имтиёзларни қўллаш борасида ҳам қатор ёрдамлар кўрсатилди.

Эндиликда, Зарбдор тажрибаси асосида мазкур лойиҳани бутун республикамиз бўйлаб амалга ошириш юзасидан аниқ режалар ва чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.

Ҳуқуқий муаммолар ҳал бўлганидан сўнг фуқароларнинг йўли очилади. Яъни, имтиёзлар, давлат ижтимоий ҳимоя тизимидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Бу жараённи рақамлаштириш орқали яна ҳам тезлаштириш ниятидамиз. Бунинг учун ходимларимиз томонидан махсус иккита дастур ишлаб чиқилди. Жойларда ҳуқуқий муаммолар бевосита электрон тизимда қайд қилинади. Ҳар бир муаммо ечилгандан сўнг назоратдан олинади.

Бундан ташқари, онлайн маҳалла тизими орқали бевосита фуқароларнинг ўзлари ёки “маҳалла еттилиги” томонидан ҳар қандай муаммони қайсидир идорага келмасдан туриб ҳам тизим орқали бизга мурожаат қилиб келмоқда. Шу тариқа биз бу муаммолар ечимини ҳал қилиб келяпмиз.

Шунингдек, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами вакилларида алимент ундириш ёки судларга даъво киритиш масаласи бўйича ҳам жуда кўп муаммолар юзага келмоқда. Юридик хизматлар анча қимматлиги боис, уларнинг имкони чекланган, шу сабабли бепул юридик ёрдам тизимини шакллантирганмиз. “Мадад” нодавлат ташкилоти ҳамма туманларда очилиб, юртдошларимизга судлар ёки бошқа идораларга ҳужжатни бепул тайёрлаб бериш тизими яратилди. Уч ойда алимент, мерос, ажрим, оилавий ёки меҳнат низоси билан боғлиқ ҳужжатларни бепул тайёрлаб бердик. Умуман олганда, юридик ёрдам тизимини ривожлантириш аҳолининг ҳуқуқий муаммолари камайишига олиб келди. Ўз навбатида, юртдошларимизнинг муаммоли масалалари бу тарзда ҳал этилиши уларда бугунги юритилаётган сиёсатдан розилик ҳиссини пайдо қилади, эртанги кунга ишончини мустаҳкамлайди, юрт тақдирига дахлдорлигини оширади.

– Конституция билан боғлиқ ҳолда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида қандай ишлар олиб борилмоқда?

– Сўнгги етти йилда эришган ютуқларимизни, хусусан, иқтисодиёт, инсон ҳуқуқлари, одил судлов, сўз ва эътиқод эркинлиги, ижтимоий ҳимоя соҳаларидаги юзлаб чекловларнинг олиб ташлангани, нақд пул, валюта, кредит масалаларидаги муаммолар ҳал қилингани ва бошқа ижобий ҳаракатлар ортга қайтмаслигининг конституциявий ҳимоясини таъминлаш зарурати мавжуд эди. Бу ютуқлар, ҳуқуқ ва эркинликлардан нафақат ҳозирги, балки келажак авлодларимиз ҳам эмин-эркин фойдаланиши учун, уларни, албатта, Конституцияда муҳрлаб қўйиш талаб этилди. Бу масаланинг бир томони холос. Масаланинг иккинчи томони, Янгиланган Конституциянинг мазмун моҳияти ва аҳамиятини аҳоли томонидан талаб даржасида англаш ҳамда ундан фойдалана олиш кўникмасини шакллантириш масаласи саналади.

Президентнинг 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сон фармони билан тасдиқланган Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепциясида унинг асосий мақсади аҳолининг барча қатламларининг ҳуқуқий саводхонликка эришиши, ўз ҳуқуқларини биладиган ва қонунларни ҳурмат қиладиган, ҳуқуқий билимларни кундалик ҳаётда қўллай оладиган, фаол фуқаролик позициясига эга бўлган ва ҳуқуқбузарликка нисбатан муросасиз муносабатда бўладиган фуқароларни тарбиялашнинг кенг қамровли тизими белгиланган билан аҳамиятли саналади. Ва мазкур концепция ўз мақсадига кўра янги таҳрирдаги Конституциямиз асосида фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан уйғун равишда ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида адлия органлари томонидан ўтган даврда жойларда тарғибот тадбирлари ўтказилди.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш ва кенг жамоатчиликка етказиш бўйича ҳудудлар кесимида ҳамда тарғибот гуруҳлар таркиби шакллантирилган ҳолда тарғибот тадбирлари дастури ишлаб чиқилиб, ижрога қаратилди.

Дастурга мувофиқ бугунги кунга қадар 40 мингдан ортиқ ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ўтказилди. Жумладан:

“Huquqiy axborot” телеграм каналида #Конституцияни_ўрганамиз, #МенингКонституциям хештеги остида маълумотлар улашилмоқда;

Kurslar.huquqiyportal.uz порталида *янги таҳрирдаги Конституция бўйича 4,5 соатга мўлжалланган бепул онлайн курс яратилди;*

Янги таҳрирдаги Конституциянинг ҳар бир моддаси бўйича қисқача видео материаллар тайёрланиб, тарқатилди;

“Конституцияни ўрганамиз” мавзусида қисқа муддатли ўқув курси ташкил этилди;

advice.uz платформасида *янги таҳрирдаги Конституциянинг асосий мазмун-моҳиятини очиб беришга қаратилган алоҳида бўлим очилди.*

Тошкент шаҳри Сайилгоҳ кўчасида, “Конституция кўчаси”да бир қатор оммавий тадбирлар ўтказилиши анъанага айланди. “Конституция кўчаси”да Конституциянинг яратилиши, такомиллаштириш босқичларини ифода этадиган “Конституция тарихи” бурчаги ва фотокўргазмаси, болалар ва ёшларга Конституцияда белгиланган нормаларнинг мазмун-моҳиятини очиб берувчи кўргазмали материаллар бурчаги, Конституцияни ўргатиш бўйича замонавий методика асосида тайёрланган дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва махсус адабиётлар кўргазмаси ташкил этилмоқда. Шу билан бирга конституциявий ҳуқуқлар бўйича суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар бурчакларини ташкил этилиб, мазкур бурчакларда кўргазмали материаллар жойлаштирилди. “Конституция кўчаси” тарғибот ва кўргазмали баннерлар билан безатилди.

– Ёш авлодга Конституция қоидаларини ўргатиш бўйича таълим тизимида қандай чоралар кўрилмоқда?

– Янгиланган Конституциямизда алоҳида янги 79-моддада *“Давлат ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлайди, уларнинг жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирок этишини рағбатлантиради. Давлат ёшларнинг интеллектуал, ижодий, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан шаклланиши ҳамда ривожланиши учун, уларнинг таълим олишга, соғлиғини сақлашга, уй-жойга, ишга жойлашишга, бандлик ва дам олишга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратади”,* деб белгилаб қўйилди.

Бироқ мазкур моддада белгиланган нормаларнинг амалда ҳаётийлигини таъминлаш барчамиздан катта меҳнат, сабр-қаноат ва тизимли ишлашни талаб этади. Давлатимиз раҳбари бошчилигида жорий йилнинг 11 апрель куни ёшлар сиёсати соҳасидаги ишлар натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ютуқлар билан бир қаторда олдимизда бажаришимиз зарур бўлган ишлар, хусусан, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, маҳаллаларда спорт билан шуғулланишга шароит яратиш ҳамда кўнгилочар масканлар сонини ошириш, ёшларнинг чет тилларини ўрганишларини рағбатлантириш, ёшларни мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиб, уларга соғлом фикр берадиган манбаларни кўпайтириш юзасидан топшириқлар берилиб, “ёшлар билан ишлаш барча раҳбарларнинг, кенг жамоатчиликнинг, бутун жамиятимизнинг энг устувор вазифаси” экани таъкидланган эди.

Адлия вазирлиги томонидан Конституцияни болалар тилида тушунтиришга бағишланган мультсериал ва комикс китоб яратилди. Ушбу мультфильмлар сунъий интеллект имкониятлари ёрдамида тайёрланган бўлиб, болаларга содда ва ҳаётий мисоллар орқали Конституциямиз мазмун-моҳияти тушунтирилган.

Бу борада ёшлар орасида 840 199 нафар иштирокчиларни қамраб олган 47 796 та тарғибот тадбирлари ўтказилди.

Ёшларни қонунларга ҳурмат ва ислоҳотларга дахлдорлик руҳида тарбиялашга қаратилган 14 335 та, ҳуқуқий саводхонликни ошириш бўйича 13 807 та, ёшларни ҳарбий хизматга бўлган қизиқишларини ошириш, Ватанга бўлган садоқат туйғусини шакллантиришга қаратилган 4 176 та, коррупция ва бошқа салбий ёт ғояларга қарши йўналтирилган 8002 та, касбга йўналтириш ва ҳаётда ўз ўрнига эга бўлишларига кўмаклашишга қаратилган 7476 та тадбирлар ўтказилди.

Ҳудудларда ёшлар иштирокида “Ҳуқуқий заковат” ўйини ташкил этилиб, 4 000 нафардан ортиқ ёшлар иштироки таъминланди.

Барча вилоятларда “Ёшлар – ҳуқуқий сайли” ўтказилди, сайёр қабуллар ва меҳнат ярмаркалари ташкил қилинди.

“Ислоҳотларга дахлдорман” шиори остида “Тенгдош-тенгдошга” тамойили асосида 30 000 нафарга яқин ёшлар иштирокида ватанпарварлик тадбирлари ўтказилди.

Шу билан бирга ногиронлиги бўлган болалар учун Конституция китобининг аудио варианти яратилиб, барча алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган (кўзи ожиз ва заиф кўрувчи) болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатларига етказилди.

Шунингдек, болаларнинг конституциявий билимларини болалар тилида етказишга мўлжалланган “Моддалар гапиради” номли туркум видеороликлар тайёрланиб, мамлакатимиздаги барча мактабларга етказилиши таъминланди.

Ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида ҳафтанинг ҳар чоршанба куни “Ҳуқуқий ахборот куни” лойиҳасида ёшларнинг Конституция бўйича билимларини оширишга қаратилган тарғибот тадбирлари амалга ошириб келинмоқда.

– Конституциявий нормалар бузилган ҳолатларда Адлия вазирлигининг ваколатлари ва вазифалари нималардан иборат?

– Адлия вазирлиги ўз функционал вазифаларидан келиб чиқиб, давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида янги конституциявий нормаларнинг ҳаётийлигини таъминлаш мақсадида қуйидаги вазифаларни амалга оширмоқда.

Норма ижодкорлиги йўналишида, <u>биринчидан,</u> вазирлик ва идораларда янги ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва қонун лойиҳаларининг Конституцияга мослигига эътибор қаратади.

<u>Иккинчидан</u>, ҳар бир вазирлик ва идора томонидан шу кунга қадар ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни янги Конституциянинг нормаларига мослиги нуқтаи назаридан инвентаризациядан ўтказишга кўмаклашмоқда. Инвентаризация натижасида ўзгартириш ва қўшимчалар киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар пакети шакллантирилмоқда.

Ташкилий-ҳуқуқий йўналишда, биринчидан, вазирлик ва идора тизимидаги давлат фуқаролик хизматчиларининг янги Конституция бўйича билимларини ошириб бориш ва баҳолаб бориш амалиётини жорий этиш. Тест натижаларига кўра қайси соҳаларда давлат хизматчиларининг билимларини оширишга эҳтиёж мавжудлиги аниқланса, шу йўналишда яна тушунтириш ишларини олиб бориш механизмини яратмоқда.

<u>Учинчидан</u>, вазирлик ва идоралар тизимидаги мурожаатлар билан ишловчи тузилмалар томонидан Конституциянинг ижроси юзасидан фуқаролардан келиб тушган мурожаатлар, шикоятлар ва аризалар манзилли тарзда ишлаш амалиётини жорий этиб келмоқда.



РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Шунингдек, Робахон Махмудова танловнинг жорий йилги ҳудудий босқичларида иштирок этган иштирокчилар янги таҳрирдаги Конституциямиз билан бир қаторда қонунчилигимиздаги ислоҳотлар бўйича ҳам билим ва иқтидорини намоён этганини алоҳида эътироф этди.

– Бизнинг ягона мақсадимиз – сиз каби билимдон, ўз ҳуқуқларидан унумли фойдалана оладиган ёшларнинг ҳуқуқий онгини янада юксалтириш, давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этишини қўллаб-қувватлаш, Конституциямизда белгиланган тамойилларни аҳоли орасида кенг тарғиб қилинишига кўмаклашишдир. Айтиш жоизки, ўтган йиллардаги танловларимиз иштирокчилари таълим, фан, спорт ва бошқа соҳаларда юқори натижаларга эришдилар. Улар ўз билим ва қобилиятлари билан нафақат ўзлари, балки бутун мамлакатимиз учун фахр-ифтихор олиб келмоқдалар. Бу эса танловимизнинг самарадорлиги ва аҳамиятини яққол намоён этади, – дея таъкидлади партия етакчиси.

Робахон Махмудова нутқи якунида иштирокчиларга омад тилаб, танловни очиқ, деб эълон қилди.

Шундан сўнг иштирокчиларга белгиланган 1-шарт бўйича иштирокчилар ўзлари таълим олаётган муассасаси, у ерда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва амалдаги қонунчилик бўйича олган билимларини ишга солиб, “Конституция – менинг тақдиримда” мавзусини бадиий кўринишдаги тақдимоти асосида йиғилганларга намойиш этишди.

– Танловнинг финал босқичида иштирок этиш менга Конституция ва қонунларимизнинг аҳамиятини яна бир бор чуқур ўрганиш имкониятини берди, **– дейди Қашқадарё вилояти вакиласи, ИИВ Қашқадарё академик лицейи ўқувчиси Мафтуна Юсупова.** *– Албатта, беллашувдаги тенгдошларим ҳам жараёнга қизғин ва пухта тайёргарлик кўришгани уларнинг чиқишларида сезилиб турибди. Танловнинг ёшлар учун аҳамияти жуда катта. Биринчидан, ҳуқуқий билимларни кучли рақобат муҳитида ўрганишга ёрдам берса, иккинчидан, Конституция ва қонунларимизнинг аҳамиятини теранроқ тушунишга ва амалиётда қўллашга кўмаклашади.*

2-шартда эса Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари, “Адолат” СДП Устави ва Сайловолди дастурига оид саволларга тест кўринишида жавоб беришди. Якуний шартда Конституциянинг маълум бир моддасини таҳлил қилган ҳолда унинг амалиётдаги ўрни бўйича ўз фикрларини билдиришди.

– Иштирокчи ёшлар орасида Конституциямиз ва қонунларимизнинг аҳамиятига ҳурмат, адолат ва инсон ҳуқуқларига қатъий риоя қилиш каби муҳим жиҳатлар устувор мақсадга айланди, **– дейди "Адолат" СДП Наманган вилоят Кенгаши раиси ўринбосари Ёрқиной Ҳожиматова.** *– Масалан, биз танловнинг Наманган вилояти босқичида ғолибни аниқлаш рақобатдошларнинг кучли экани билан бирмунча машаққатли кечганига гувоҳ бўлдик. Боиси Наманганимиз ёшлари бугун ҳуқуқий соҳаларда, сиёсий жараёнларда анча фаол. Ана шундай фаол иштирокчилардан бири Наманган вилояти юридик техникуми ўқувчиси Муаззам Ваҳоббоева. Унинг биринчиликни қўлга киритиб, республика босқичига муносиб ҳозирлик кўришига биз ҳам кўмаклашдик.*

Танлов давомида таъкидлангани-дек, сўнгги йилларда “Адолат” СДП сафида ёшларнинг салмоғи сезиларли даражада ортиб бормоқда. Бугунги кунда партия аъзоларининг 39 фоизини ёшлар ташкил этиб, улар сони 430 минг нафардан ошди. Қолаверса, Олий Мажлис ҳузуридаги “Ёшлар парламенти”нинг 24 нафар аъзоси партиянинг фаол ёшлари ҳиссасига тўғри келади.

Жараёнда “Адолат” СДП ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиб, ёшлар учун ўндан ортиқ лойиҳа амалга ошириб келаётгани, шу орқали ёш авлоднинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошиб, ҳуқуқий маданиятини юксалтираётгани таъкидланди. Шу жумладан, “Конституция билимдони” танлови ҳам фақат ҳуқуқий билимлар синови эмас, балки ёшларнинг ҳуқуқий онги ва фаол фуқаролик позициясини шакллантирувчи муҳим ижтимоий ташаббус сифатида эътироф этилди.

– Мамлакатнинг келажаги, унинг ривожланиши ва тараққиёти кўплаб омилларга боғлиқ. Бироқ шулар ичида энг муҳим омил – бу юртда камол топаётган, юксак маънавиятга эга, жисмонан соғлом ва интеллектуал жиҳатдан етук ёшлардир, **– дейди партия Марзкаий аппарати бош мутахассиси Шерзодхон Исломов.** *– Танловнинг республика босқичида иштирок этган ёшларни кўриб, уларнинг билим, шижоат ва интилишларига қойил қолмасликнинг иложи йўқ. Улар нафақат ҳуқуқий билимга, балки юксак маънавият ва лидерлик қобилиятига эга эканини намоён этишди. Бу ёшлар – халқимизнинг ҳақиқий интеллектуал бойлиги, янги тараққиёт даврининг, Учинчи Ренессанснинг бунёдкорларидир.*

Беллашув якунланди. Сарҳисоб эълон қилинди. Унга кўра,

учинчи ўринни Сурхондарё вилояти вакиласи Адолат Исмоилова эгаллади.

Иккинчи ўрин жиззахлик Ҳулкарой Ҳасанова ҳамда **Фарғонадан келган Жамшидбек Абдуолимовга** насиб қилди.

“Конституция билимдони-2024”да мутлақ ғолибликни Хоразм вилояти шаънини ҳимоя қилган Нозима Жуманиязова қўлга киритди.

Тақдирлаш маросимида партия Сиёсий Кенгаши томонидан диплом, статуэтка ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Шунингдек, барча иштирокчилар эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланишди.

“Адолат” СДП Матбуот хизмати













Ҳар қандай давлатнинг юзи, обрў-эътибори унинг Конституцияси ҳисобланади. Чунончи, Конституцияда инсон – жамият – давлат манфаатлари акс этиб, мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий, мафкуравий муносабатлари тартибга солинади. Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 33 йиллиги халқимиз томонидан кенг миқёсда нишонланмоқда. Бир йил аввал Янги Ўзбекистон тарихида биринчи марта халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва якдиллиги асосида Конституциямиз янги таҳрирда қабул қилинганди.



ХАЛҚИМИЗ ХОҲИШ-ИРОДАСИНИНГ ҳуқуқий ифодаси



Наримон УМАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, "Адолат" СДП фракцияси аъзоси

Янгиланган Бош қомусимиз мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий-маданий ҳаётининг барча соҳаларида изчил амалга оширилаётган ислоҳотларимиз ортга қайтмаслигининг мустаҳкам ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш керак, ўтган қисқа давр мобайнида Конституциямиздаги нормалар асосида кўплаб қонун ва қонуности ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Эътиборлиси, Ўзбекистоннинг беш устуни, яъни суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат экани қатъий белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, парламент палаталари фаолиятидаги параллеллик ва бир-бирини такрорловчи ваколатларга аниқлик киритилди. Сенат аъзолари жами 100 нафардан 65 нафарга қисқартирилди. Шунингдек, Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосарлари сони 7 тадан 2 тага қисқартирилди. Бунда Спикернинг ўринбосарлари фракция аъзоси бўлиши мумкин эмаслиги ҳамда лавозимда бўлиш даврида сиёсий партиядаги аъзоликни тўхтатиб туриши белгиланди. Бундан ташқари, Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг ўзини-ўзи тарқатиб юбориш ваколати киритилди.

Жорий йилнинг 18 ноябрида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг янги таркибдаги биринчи мажлисида нутқ сўзлаган Президентимиз Шавкат Мирзиёев бу йилги парламент сайловлари илк марта янгиланган Конституциямизга мувофиқ ўтказилгани, парламентнинг ҳуқуқ ва ваколатлари сезиларли даражада кучайгани, масъулияти бир неча карра ортган янги халқ вакиллиги тизими шакллантирилганини алоҳида қайд этди. Давлат раҳбари мазкур мажлисда парламентни халқимизга янада яқинлаштиришга хизмат қилувчи бир қатор ташаббус ва таклифларни илгари сурди.

Кези келганда таъкидлаш лозим, барқарор миллий тараққиётимизнинг янги босқичида давлат бошқарувини янада демократлаштириш борасида 8 йил давомида амалга ошириб келинаётган ислоҳотлар натижасида миллий парламентимиз ваколатлари изчил кенгайтирилишидан ташқари олий вакиллик органи фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлиги таъминланишига эришилмоқда.

Эндиликда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси нафақат профессионал қонун ижодкорлиги фаолияти билан, балки мамлакат ички ва ташқи сиёсатига оид муҳим вазифаларни ҳал этиш ҳамда ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш ҳамда қабул қилинаётган қонунларнинг амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнига таъсирини кучайтириш, сайловчилар билан яқиндан мулоқот қилиш билан ҳам шуғулланмоқда.

Бу каби янгиланишлар давлат идораларини халқимизга яқинлаштиришга, юртдошларимизнинг давлат ҳокимиятига ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Қолаверса, роппа-роса уч йил аввал, яъни, 2021 йил 1 декабрдан бошлаб Қонунчилик палатаси мажлисларининг жонли эфирга узатилаётганлиги кенг жамоатчилик томонидан илиқ қарши олинмоқда. Тўғридан-тўғри эфирлар палата фаолиятини, аниқроғи, депутатлар, сиёсий партия фракцияларининг у ёки бу қонун лойиҳаси юзасидан позициясини халқимизга жонли тарзда етказишга хизмат қилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, янгиланган Конституциямиз бевосита халқ томонидан қабул қилиниб, тўғридан-тўғри амалга киритилган биринчи ҳужжат бўлганлиги давлат бошқаруви соҳасига оид ўзгаришлар ва янгиланишлардан ҳам кўриниб турибди. Зеро, Асосий қонунимиздаги халқчил нормалар ҳокимият органлари масъулият чегарасини аниқ белгилаш билан бир қаторда парламентнинг бугунги даврга мос, том маънода халқчил органга айланишига хизмат қилмоқда.

КУЧЛИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ВА МУҲТОЖЛАРГА ҒАМХЎРЛИК – давлат сиёсатининг муҳим йўналиши

Юртимизда ҳар йили 8 декабрь санаси халқимизнинг орзу-умидлари ва интилишлари ўз аксини топган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун сифатида нишонлаб келинади. Эътиборлиси, охирги икки йилда фуқароларимиз ушбу санада жамиятнинг барча қатламлари манфаатлари инобатга олинган, Янги Ўзбекистонни қуриш ғояси атрофида бутун жамиятни жипслаштирган янги таҳрирдаги Конституциямизни нишонлашмоқда.



Гулнорахон АБДУВОҲИДОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, "Адолат" СДП фракцияси аъзоси

Ҳақиқатан ҳам, Бош қомусимиз янгиланиши асносида халқимизнинг кўп йиллик орзу-умид ва истаклари конституциявий норма сифатида ўз аксини топди. Хусусан, кейинги йилларда эришган ютуқларимиз, жумладан, иқтисодиёт, инсон ҳуқуқлари, одил судлов, сўз ва эътиқод эркинлиги, ижтимоий ҳимоя соҳаларидаги юзлаб чекловларнинг олиб ташлангани, нақд пул, валюта, кредит масалаларидаги муаммоларнинг ҳал қилингани, қўшниларимиз билан орамиздаги 25 йиллик "музлар эригани" ва бошқа ижобий ҳаракатлар ортга қайтмаслигининг конституциявий ҳимояси таъминланди.

Конституциянинг 43-моддасида камбағалликни қисқартириш, бандликни таъминлаш, ишсизликдан ҳимоя қилиш бўйича давлат ўзига қатор янги мажбуриятларни олиши белгиланди. Умуман, давлатнинг ижтимоий соҳадаги мажбуриятлари билан боғлиқ Конституциядаги нормалар уч баробарга кўпайди.

Хусусан, Конституцияда ҳар кимнинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқи белгиланди. Ушбу норманинг амал қилиши ҳар бир фуқаро, жумладан, ёш оилаларнинг ўз бошпанасига эга бўлишини таъминлаб, кишиларнинг ҳаётдан розилик даражасини оширади.

Ушбу йўналишдаги ўзгаришлар яқин тарихимизда "снос"лар билан боғлиқ рўй берган салбий ҳолатларни тўлақонли бартараф этишга хизмат қилди. Конституциянинг 47-моддасида ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонунга зид тарзда уй-жойидан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги, уй-жойидан маҳрум этилган мулкдорга уй-жойнинг қиймати ҳамда у кўрган зарарларнинг ўрни қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда олдиндан ҳамда тенг қийматда қопланиши таъминланиши кафолатлаб қўйилди.

Шунингдек, аҳоли саломатлигини асраш билан боғлиқ нормаларнинг ҳам тўрт баробарга кўпайганлиги аҳоли соғлиғини ишончли муҳофаза этиш ҳамда оналар ва болалар ўлими, юқумли касалликлар таҳдидини бартараф этишда жуда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Қолаверса, аҳоли ҳаёти ва саломатлик даражасини яхшилашнинг зарурий шарти сифатида Конституцияда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ҳам аниқ норма белгилаб қўйилди.

Янгиланган Конституциямиздаги ижтимоий йўналишдаги ўзгаришларни, албатта, таълим тизимисиз тасаввур этиб бўлмади. Конституцияда таълим олиш ҳуқуқи ва имконияти кенгайтирилиб, илк бор ўқитувчилар конституциявий мақомга эга бўлди. Ногиронлиги бор болажонлар ўз тенгдошлари билан бир хил таълим олиши учун инклюзив таълим Конституцияга киритилди. Бу шундай нуқсонларга эга болалар яккаланиб қолмаслиги, жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида шаклланиши ва камол топиши учун муҳим кафолатдир.

Киритилган янги нормалар сабаб, давлатнинг ўқитувчилар шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш мажбурияти кучайтирилди. Бу нормалар "Адолат" СДПнинг асосий электорати ҳисобланган ўқитувчиларнинг профессионал ўсиши ҳамда ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватланиши, жамиятдаги ижтимоий мақоми, обрўсини янада оширишга хизмат қилди.

Қолаверса, Бош қомусимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсади сифатида белгиланди. Инсон ҳуқуқларига оид нормалар уч бараварга кўпайди. Қонунлардаги зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига ҳал бўлиши шарт эканлиги белгиланди. Бу инсон ва давлат ўртасида муносабатларни тартибга солувчи қонунчиликдаги ноаниқликлар, турли тушунмовчиликларни бартараф этиб, фуқароларни ортиқча сарсон-гарчиликдан қутқаради.

Умуман олганда, янги таҳрирдаги Конституциямизга киритилган бу каби ҳаётий нормаларга юзлаб мисоллар келтириш мумкин. Муҳими, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эга, тўғридан-тўғри амал қилади ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этади. Бу эса ҳар ерда ва ҳар жабҳада фуқароларимизга ўз ҳақ-ҳуқуқларини тўлақонли ҳимоя қилиш имконини беради.

Асосий қонуннинг янгиланган тамойиллари

Гуласал КАМОЛОВА,
Тошкент давлат юридик университети талабаси

Конституция мамлакатнинг тақдирини, ҳаёт аъмолларини, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий, маданий тараққиёт йўлларини, ҳуқуқий асосларини, халқларнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, анъаналари, қадриятлари, обод ва гўзал, фаровон ҳаёт истиқболларини белгилаб берувчи асосий ҳужжат ҳисобланади. Бу ҳужжатда юрт ва халқ тақдирига, тарихига, фаолиятига, ривожланишига оид барча масалалар, ҳуқуқий асослар, қоидалар. ғоялар, қонуний манбалар ўз ифодасини топгани учун у мамлакатнинг Асосий қонуни деб юритилади. Шу сабабли мамлакатимизнинг янги таҳрирдаги Конституциясида **"Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади"** деган сўзлар битилганлиги ҳам бежиз эмас.

Ҳар қандай мамлакатнинг Асосий қонунида давлат ва халқ тамойили ниҳоятда муҳим асос саналади. Республикамизнинг янги таҳрирдаги Конституциясида ҳам бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлган ана шу тамойилларга алоҳида эътибор қаратилган. Масалан, унинг биринчи моддасида ***"Ўзбекистон – бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат"*** деган норма белгиланиб, бу давлатда ижтимоий адолат ва бирдамлик принциплари асос қилиб олинганлиги кўрсатилган бўлса, кейинги моддаларида Асосий қонунимиз ушбу заминда истиқомат қилаётган, жинси, ирқи, миллати, тили, динидан қатъи назар, барча инсонлар учун мустаҳкам ҳуқуқий ҳимоя, инсон қадр-қиммати, ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминловчи бош ҳужжат эканлиги эътироф этилган.

Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир асосий манбаи эканлиги аён. Бу халқ мавжуд бўлсагина давлат пайдо бўлади, у фаолият юритади, деган маънони билдиради. Шундай экан, ҳар қандай Конституцияда, биринчи навбатда, халқ тамойили, инсон омилига асосий эътибор қаратилиши ҳаётий зарурат ҳисобланади. Афсуски, кейинги бир асрдан ошиқ даврда юртимизда яратилган барча Конституцияларда **"давлат – жамият – шахс"** парадигмаси бош йўналиш қилиб белгиланиб келинди. Яъни, давлат энг асосий қудратли манба, қолган барча бирликлар, жумладан, жамият ва инсон ҳам унга хизмат қилувчи куч деб баҳоланиб келинди. Ниҳоят, янги таҳрирдаги Конституцияда инсон омилига асосий эътибор қаратилди. Эски қолипдаги парадигма эндиликда **"инсон – жамият – давлат"** шаклида янгича асосда ўзгартирилди. Жамият ва давлатдаги барча нарсаларнинг асосига инсон омили қўйилди. Давлат ҳам, жамият ҳам халқ учун, инсон учун, унинг бахт-саодати, истиқболи учун хизмат қилиши белгиланди. Моҳиятан янгиланган янги таҳрирдаги Конституция шу тариқа инсон ҳуқуқлари ҳимояси борасида ҳаётимизнинг Бош қонунига, ҳақиқат аъмолига айланди.

Бирор-бир ўлкада давлатнинг пайдо бўлиши учун халқ тамойилидан ташқари тил ва ёзув бирликларининг бўлиши ҳам талаб этилади. Дунё қадимшунослари, тарих илмининг билимдонлари Ер юзида қадим-қадимдан давлатнинг шаклланишида бу бирликларнинг муҳим роль ўйнаганлигини эътироф қилганлар. Шунинг учун ҳам юртимиз ҳудудларида олис ўтмишдан бошлаб фаолият юритган Қадим Хоразм, Сўғдиёна, Бақтрия, бухорхудотлар, ихшидийлар, турк хоқонликлари, сомонийлар, маъмунийлар, қорахонийлар, ғазнавийлар, ануштегенийлар, темурийлар, шайбонийлар, улардан кейинги амирлик ва хонликлар даврларида тил ва ёзув бирлигига давлатнинг муҳим белгиларидан бири сифатида эътибор берилган. Бу дунё аҳли томонидан эътироф этилган.

Маълумки, республикамизда ўзбек тилига давлат тили мақоми 1989 йилнинг 21 октябрида берилди. Тилимизнинг бундай мақомга мамлакатимизнинг мустақил давлат деб эълон қилинишидан салкам икки йил аввал эришганида ҳам ўзига хос табиий қонуният бор. Аввало, мамлакатимизда давлат тилининг мавжудлиги бу ерда давлатчиликнинг мустаҳкам асоси қадим-қадимдан бўлганлигини ва айни пайтда ҳам юзага келганлигини кўрсатди.

Қолаверса, юртимизда давлат тилининг юзага келиши халқимизнинг мустақилликка эришиши учун мустаҳкам замин яратди. Бошқача айтганда, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши мамлакатимиз мустақиллиги йўлидаги биринчи қадам ва мустақил давлатнинг Конституциясини яратиш борасидаги ҳуқуқий асос бўлди. Не бахтки, 1992 йилдаги Конституциямиз ҳам, янгиланган Асосий қонунимиз ҳам ана шу давлат тилида яратилди.

Бугунги кунда дунё миқёсида 7 мингдан ортиқ тил алоқа воситаси сифатида ишлатилади. Лекин ана шулар орасида 178 та тил мамлакатларда давлат тили ёки расмий тил мақомига эга, холос. Ана шундай давлат тили мақомига эришган тиллар орасида ўзбек тилининг борлиги унинг дунё миқёсидаги нуфузини ҳам кўрсатади.

Албатта, мамлакатимизнинг янгиланган Асосий қонунида ҳам давлат тили ва тил масаласи билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, Конституциянинг 4-моддасида *"Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир. Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун замин яратади"* деган ҳуқуқий асос белгиланган.

Ҳақиқатан ҳам, эндиликда давлат тилининг мақомини юксалтириш учун жиддий ишлар қилинмоқда. Ўзбек тили сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий жабҳаларда фаол қўлланилиб, халқаро минбарларда баралла янграмоқда. Хорижий мамлакатларда тилимизга эътибор, уни ўрганишига қизиқиш кучаймоқда. Айни пайтда, мамлакатимизда давлат тилининг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг *"Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"*ги ва *"Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"*ги фармонлари эълон қилинди. Биринчи фармонга мувофиқ ҳар йил 21 октябрь санаси *"Ўзбек тили байрами куни"* деб эълон қилинди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси тузилмасида *"Давлат тилини ривожлантириш департаменти"* ташкил этилди. Иккинчи фармон асосида *"2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш"* концепцияси тасдиқланди ва Вазирлар Маҳкамасининг *"Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига босқичма-босқич тўлиқ ўтишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"*ги қарори қабул қилинди. Бу қилинаётган ишлар мамлакатимиз Конституциясида белгиланган давлат тилининг мақомини янада юксалтириш борасидаги амалий ҳаракатларнинг ифодасидир. Бугунги ҳаёт тарзимиз эса ўзбек тилини давлат тилига айлантириш учун ҳали кўп ишлар қилиниши кераклигини кўрсатмоқда.

Тил – миллат кўзгуси дейишади. Ҳақ гап. Негаки унда миллатнинг барча хусусиятлари, иҳқатлари, ҳаёт тарзи, иқтисодий-сиёсий, маънавий-маърифий, ижтимоий қиёфаси намоён бўлади. Шу маънода Конституцияни халқнинг, давлатнинг, мамлакатнинг барча тамойиллари ифодаси, кўзгуси дейиш мумкин. Шундай экан, бу тамойилларни нафақат ўқимоқ, ўрганмоқ керак, балки уларни кундалик турмушимизда амалга оширмоқ, унга мувофиқ яшамоқ ҳам ҳаёт талабидир.



БОР МЕҲРИМИЗ СЕНГА, БОЛАЖОН!

Саховат ва меҳр-мурувват акцияси

Инсон қалбида эзгулик ҳамиша етакчилик қилган, шунинг учун у ҳар доим яхшилик қилишга ошиқади. Айниқса, бу эзгулик кимнингдир ҳаётини сақлаб қолишга хизмат қилса, унинг аҳамияти янада ошади. Ана шундай эзгу ишларнинг энг ёрқин намуналаридан бири бу – донорлик. Донорлар ҳар доим жамиятга беғараз ёрдам кўрсатадиган, меҳр-саховатни, яхшиликни амалда намоён қилувчи фидокор инсонлардир. Боиси сизнинг меҳр-мурувват туфайли берган қонингиз қанча болажонларнинг тезроқ соғайиши учун кўмак бўлиши мумкин. Болалар эса бизнинг келажагимиз, уларнинг саломатлиги ва келгусида ҳар жиҳатдан баркамол инсон бўлиб етишишлари бутун жамиятнинг юксалишига хизмат қилади.

Шундан келиб чиқиб, “Адолат” социал-демократик партияси ташаббуси асосида ҳар йили 3 декабрь – Халқаро ногиронлар куни муносабати билан Республика қон қуйиш маркази ва унинг ҳудудий филиалларида “Бор меҳримиз сенга, болажон!” шиори остида беғараз донорлик акцияси ўтказилиб келинмоқда. Қонга муҳтож бўлган бемор болаларнинг ҳаётини сақлаб қолишда донорликнинг роли катта эканлигини англаган кўнгиллилар ҳар йили ушбу акцияда фаол иштирок этиши анъанага айланган.

Бу хайрли ташаббуснинг бош мақсади – тиббий ва ижтимоий ёрдамга муҳтож инсонларни қўллаб-қувватлаш, фуқароларни ихтиёрий равишда қон топширишга ундаш орқали оғир касалликка чалинган болаларнинг ҳаётини сақлаб қолиш билан бирга жамиятда меҳр-оқибат ҳамда инсонийлик ғояларини мустаҳкамлашдир. Бу йил ҳам ана шу анъана давом этди. Натижада акция жараёнида саховатпеша кўнгиллилар сафи яна кўпайди, яна бир бор меҳр-саховат ва инсонийликнинг нечоғлик қадрли экани намоён бўлди.

Меҳр-мурувват акциясида “Адолат” СДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракция аъзолари, партия Марказий аппарати ходимлари, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия вакиллари, давлат ва нодавлат ташкилотлари ходимлари, шунингдек, партия хайрихоҳлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари фаол иштирок этишди.

– Қонга муҳтож бўлган болаларнинг ҳаётини сақлаб қолишда донорларнинг роли катта эканлигини англаган кўнгиллилар ҳар йили ушбу акцияда фаол иштирок этишини анъанага айлантирган, **– дейди партия Марказий аппарати бошқарма бошлиғи Райҳона Ўрманова.** – Партиянинг бу ташаббуси нафақат тиббий кўмак кўрсатиш, балки жамиятда донорлик маданиятини шакллантиришга ҳам хизмат қилмоқда. Агар 8 йилдан буён ўтказилиб келинаётган мазкур акцияда бугунги кунгача 28 833 нафар ҳамюртимиз донор сифатида иштирок этиб, 9 517 литр ҳаёт томчилари йиғилишига ва бу орқали 44 321 нафар болажоннинг саломатлигини тиклаш ва ҳаётини сақлаб қолишга ҳисса қўшганини инобатга олсак, бунинг нақадар шарафли ва савобли эканига яна бир бор амин бўламиз.

2-3 декабрь эрта тонгдан Республика қон қуйиш марказида тиббиёт соҳаси вакиллари, тажрибали мутахассислар ҳам иштирок этиб, жараён давомида кўнгилли фуқароларга фойдали тиббий маслаҳатлар берди.

– Қон топшириш – инсон ҳаётини сақлаб қолишга қўшиладиган энг олийжаноб амаллардан бири, албатта, **– дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори Тоҳир Полвонов.** *– Бугунги тадбирда кўплаб фуқароларнинг фаол иштирок этгани уларнинг жамиятга бўлган меҳр-мурувватини ва юксак фуқаролик масъулиятини намоён этди. Жамиятда донорлик маданиятини шакллантириш орқали инсонларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда шошилинч ҳолатларда керакли қон захирасини таъминлаш мумкин. Шу маънода, бу каби хайрли ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, уларни оммалаштириш муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир қон топширган одам бошқа бир инсон ҳаётини сақлаб қолиш имкониятини яратади. Бу эса ҳам шахсий, ҳам ижтимоий маънода катта савобли ишдир.*

Шунингдек, ушбу акция партиянинг ҳудудий кенгашлари томонидан ҳам уюшқоқлик билан ўтказилди. Жумладан, Андижонда меҳр ва эзгулик байрамига айланиб кетган акцияга бемор болаларимиз учун донорлик қилиш мақсадида партиядошларимиз эрталабдан вилоят қон қуйиш станциясига кириб келдилар. Беғараз қон топширувчилар сафида “Ёш адолатчилар”нинг кўпчиликни ташкил этади. Дастлаб улар донорлик савобли иш экани, улар топширган қон бемор болаларни соғлом ҳаётга қайтариши тўғрисида тушунча берилди. Шундан сўнг иштирокчилар текширувдан ўтказилиб, қон топширди. Якунда фаол қатнашган турли давлат ва жамоат ташкилотлари, тиббиёт ходимлари, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари ва кўплаб кўнгиллилар партиянинг ташаккурномаси ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

– Сўнгги йилларда аҳоли орасида гематологик ва бошқа даволаш қийин бўлган беморлар сони ошиб боряпти. Шунга яраша қон компонентларига бўлган талаб ҳам кўп. Шу сабабли уларга ёрдам кўрсатишда донорларнинг ўрни ниҳоятда катта. “Адолатчилар” бир неча йилдирки, бу борада ташаббус кўрсатяпти. Ўз имкониятларидан келиб чиқиб, бугунги акцияда иштирок этаётган партия аъзоларидан миннатдормиз, **– дейди Андижон вилоят қон қуйиш станцияси бош шифокори Дилфуза Аҳмедова**

Шунингдек, Хоразм вилоят Қон қуйиш марказида кўплаб кўнгилли юртдошларимиз, вилоятда фаолият юритиб келаётган нуфузли ташкилот ва даво масканларидан – вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Хоразм филиали, Кўп тармоқли вилоят тиббиёт маркази, Кўп тармоқли вилоят болалар тиббиёт маркази, вилоят Эндокринология диспансери, вилоят Фавқулодда вазият бошқармаси, ҳарбий қисмлар ва бошқа бир қатор мутасадди ташкилотлардан кўнгиллилар, партия фаоллари, депутатлар акцияда фаол иштирок этишди.

Сирдарё вилояти қон қуйиш марказида ҳам 3 декабрь – Халқаро ногиронлар куни муносабати билан “Бор мехримиз сенга, болажон!” донорлик хайрия акцияси юқори савияда ўтказилди. Хайрия тадбирида Сирдарё вилоят Миллий гвардия ва ФВВ Сирдарё вилоят бўлими, “Адолат” СДП Сирдарё вилоят Кенгаши ходимлари, Ёшлар қаноти, Аёллар қаноти, вилоят ва туман шаҳар Кенгашлари раислари ва депутатлари, кўнгилли фуқаролар фаол иштирок этишди. Мазкур тадбирда 108 нафар донор 55 литр 404 грамм қон топширди.

– “Бор меҳримиз сенга, болажон!” хайрия акцияси жуда муҳим эзгу амал бўлди. Кунига тезкор жарроҳлик операциялари, туғруқ, автоҳалокат ва ҳар хил фавқулодда вазиятлар бўлади. Шунда бизга қон керак бўлади. Захирадаги қон миқдори бўлмаса, биз беморга қон етказиб бера олмаймиз. Мазкур акция туфайли донорларнинг сони кўпайиб, қон захирамиз сезиларли даражада кўпайди, **– дейди Сирдарё вилоят қон қуйиш маркази донор бўлими мудири М.Алиқулова.**

Акция Фарғона вилоятида ҳам уюшқоқлик билан ташкил этилди. Қон қуйиш марказига вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари раислари, депутатлар ва ҳамкор ташкилотлар вакиллари етиб келиб, беғараз донорлик акциясида иштирок этди.

– Тиббий-ижтимоий кўмакка муҳтож фуқароларни кўллаб-қувватлаш, беморларнинг ҳаётини сақлаб қолиш, жамиятда инсонпарварлик ва меҳр-оқибат ғояларини кенг тарғиб қилишга қаратилган донорлик акцияси бугун юзлаб инсонларни ягона мақсад сари бирлаштираётганидан жуда ҳам хурсандман, **– дейди “Адолат” СДП Фарғона вилоят кенгаши раиси ўринбосари Орифжон Ўлмасов.**

Шунингдек, инсонпарварлик тадбири Қорақалпоғистон Республикаси, Наманган, Қашқадарё, Сурхондарё, Навоий, Бухоро, Жиззах, Самарқанд, Тошкент вилояти ва шаҳрида ҳам кўтаринки руҳда ўтказилди.



Якунда фаол қатнашган турли давлат ва жамоат ташкилотлари ходимлари, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари ва кўплаб кўнгиллилар партия Марказий аппарати ҳамда ҳудудий кенгашларининг ташаккурномалари ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

ИНСОННИ ЮКСАЛТИРУВЧИ ОМИЛ

3 декабрь – Халқаро ногиронлар куни муносабати билан “Адолат” социал-демократик партияси ва Сув спорт турларига ихтисослаштирилган Себзор спорт базаси ҳамкорлигида “Спорт ҳамма учун!” мавзусида тадбир ўтказилди.

Тадбирда «Адолат» СДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракция аъзолари, партия Марказий аппарати ходимлари, Сув спорт турларига ихтисослаштирилган мактаб вакиллари, имконияти чекланган спортчи ёшлар, партия фаоллари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари фаол иштирок этишди.

Тадбир имконияти чекланган шахсларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш ва спорт орқали ижтимоий интеграция ҳамда инсонпарварлик қадриятларини тарғиб қилишга қаратилганлиги билан аҳамиятли бўлди.

Тадбирни партия Сиёсий Кенгаши раиси Робахон Маҳмудова кириш сўзи билан очиб, ҳар қандай синов инсон учун чеклов эмас, балки юксалиш учун имконият эканлигини таъкидлади.

“Жисмоний чекловлар тананинг ҳаракатини сустлатиши мумкин, аммо ақл ва руҳият ҳеч қандай тўсиқни тан олмайди”, – деди партия етакчиси.

Шунингдек, партия Сиёсий Кенгаши раиси давлат томонидан ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлашга қаратилган саъй-ҳаракатларга алоҳида тўхталди. Сўнгги йилларда Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган қонунлар ва давлат дастурлари мазкур қатлам учун ҳар томонлама қулай шароитлар яратишга қаратилганини эътироф этди. Айниқса, уларнинг сифатли таълим олиши, соғлиғини сақлаш ва иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя соҳаларида сезиларли ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, партия ўзининг Сайловолди дастурида ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш борасида қатор таклифларни илгари сурган. Жумладан, биринчи гуруҳ ногиронлиги бўлган фуқароларни самарали ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини яратиш, ногиронлар аравачаларига мос йўлаклар ташкил этиш, йўлларда махсус товушли светофорлар ўрнатиш орқали уларнинг ҳаракатланишини осонлаштириш, ногирон фарзандли оилаларга давлат томонидан тўлиқ тиббий ёрдам ва реабилитация хизматларини тақдим этиш каби бир қатор муҳим ташаббуслар ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамиятдаги фаол иштирокини таъминлашга хизмат қилади.



Айтиш жоизки, Себзор спорт базаси мамлакатимизда бир қатор паралимпия чемпионларини етиштиришга ҳисса қўшган салоҳиятли спорт маскани ҳисобланади. Тадбирда партия етакчиси ушбу масканнинг спортчи ёшларни тарбиялашдаги аҳамиятига, қолаверса, Паралимпия ўйинларида Ўзбекистон спортчиларининг юксак ютуқларига алоҳида урғу берди. Жорий йилда Парижда ўтказилган XVII ёзги Паралимпия ўйинларида Ўзбекистон спортчилари 26 та медаль (10 та олтин, 9 та кумуш, 7 та бронза) қўлга киритгани мамлакатимизда паралимпия бўйича спортга бўлган эътиборнинг самараси эканлиги таъкидланди.

Тадбир давомида халқаро ареналарда иштирок этган спортчилар ва ёш спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари ташкил этилди.

“Спорт ҳамма учун” тадбири ногиронлиги бўлган шахсларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этишга, уларнинг жамиятда ўз ўринларини мустаҳкамлашга қаратилган муҳим ташаббус бўлди.

“Адолат” СДП Матбуот хизмати

ADOLAT
Муассис: “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Ислом ҲАМРОЕВ

Таҳрир ҳайъати:
Робахон МАХМУДОВА
Бахром АБДУҲАЛИМОВ
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖЎРАЕВ
Зуҳра ИБРАГИМОВА
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Талъат МУРОДОВ
Абдукамол РАҲМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ

QR коди орқали газетанинг электрон вариантини юклаб олинг!

Котибият – 71 288-42-14 (144); 90 900-72-15
Қабулхона – 71 288-42-12 (141)

Газета 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Навбатчи муҳаррир – Абдуқаюм Йўлдошев
Масъул котиб – Абдуғани Содиқов

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2091-5217

Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани “Шарқ тонги” кўчаси, 23-уй.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г – 1200

Адади – 3 004
Босишга топшириш вақти – 21.00
Босишга топширилди – 21.10
Баҳоси келишилган нархда

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.